

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ

665 Вазирлар Маҳкамасининг «Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 28 июндаги 185-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолиятини такомиллаштириш ҳамда бюджет маблағларини тежаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 28 июндаги 185-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2012 й., 26-27-сон, 295-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Т.К. Нарбаева зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазир**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 13 июль,
495-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 13 июлдаги 495-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Республика болалар ижтимоий
мослашуви маркази фаолиятини янада такомиллаштириш
тўғрисида» 2012 йил 28 июндаги 185-сон қарорига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг биринчи хатбошидаги «127» рақами «133» рақами билан алмаштирилсин.

2. 1-иловада:

а) «Хўжалик таъминоти бўлими» блокадаги «31» рақами «37» рақами билан алмаштирилсин;

б) изоҳдаги «127» рақами «133» рақами билан алмаштирилсин.